

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. Азимов Х. Будда динининг Хитойга кириб боришида Марказий Осиёлик роҳибларнинг ўрни (Хитой манбалари асосида) 3
2. Абдухалимов Б., Мухаммадаминов С. О рампурском и ташкентском списках сочинения «Матла‘ ан-нуджум» Абу Хафса ан-Насафи 19
3. Муратов А. Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос 30 29
4. Fayzullo F. Amir Temurning fe’l-atvori va yosoqi ta’rifi (Hofizi Abruning “Zubdat at-tavorix” asari asosida) 39

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. Кочкарова Э. Источники по проблеме Российской системы образования в Туркестанском крае 59
2. Алимджанов Б. (История деятельности Верненского (Алматинского) филиала Русско-Азиатского коммерческого банка 71

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Султонов Ў.** Ўрта Осиё хўжаларининг сакраллашуви масаласига доир 85
2. **Кенжабоева Р.** Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида вақф қилувчининг вақф мулки устидаги ҳуқуқлари масаласи 97

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Comstock-Skipp J.** Can we really call it the “Bukhara School”? Sheybanid arts of the book in the 16th century..... 106
2. **Олимжонов Ҳ.** Тошкент оммавий кутубхонаси тарихи *(1870–1889 йиллар)*.....134

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Ҳамроева О.** Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам фи маъойир ашъор ал-ажам” асари тадқиқи..... 145

Абдуллаева М. Кичик адабий жанрларда анъанавий мотивлар таҳлили 154

ЯНГИ НАШРЛАР

1. **Раҳимжонов Д.** Нодир қўлёзманинг факсимиле нашри 172
2. **Бўриев О.** Истахрий. “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асарининг ўзбек тилига таржимаси 176

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2025 йил 25 декабрдаги 9-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Акрам Ҳабибуллаев
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

O. Hamroyeva

Research of Shamsiddin Qays Razi's work
“Al-mu'jam fi ma'oiri ash'ar al- ajam”

A number of special brochures have been created on the science of rhyme and the arudz as an integral part of classical poetry. Shamsiddin Qays Razi's treatise “Al-mu'jam fi ma'ayir ash'ar al-ajam” (“Collection of rules of Persian poetry”) is one of the sources.

The article contains information about the history, sources, components, unique style of the work of Shamsiddin Qays Razi “Al-Mu'jam” – a pamphlet on the theoretical foundations of science and scientific rhyme. The pamphlets created before and after were studied comparatively. Al-Mu'jam's Introduction, 2 main parts, chapters are studied separately, and the theoretical ideas in the booklet are analyzed on the basis of bytes, as well as practical aspects.We analyze classical texts based on our traditional knowledge, which has been studied several times, which is common and customary for all in the science of classical poetics. However, we cannot perform a full text analysis on this basis. Because the Arabic, Persian and Turkish sources on the science of classical poetics have not been fully studied. Through this short article on the study of Shams Qays Razi's Al-Mu'jam, one can get acquainted with these sources.

Key words: *Poetry, brochure, “ilmi segona” (the trio of sciences), aruz, aruz’s circles, rhyme, “hurufi qofia” (letters of rhyme), the types of rhyme.*

М. Абдуллаева

Кичик адабий жанрларда анъанавий мотивлар таҳлили

Мирзо Улуғбекнинг (1394–1449) “Тўрт улус тарихи”, Абулғози Баҳодирхоннинг (1603–1664.) “Шажарайи турк” асарларидаги кичик адабий жанрларда, мотив ва тарихий образларда ҳам трансформацияни кузатиш мумкин. Бу ҳолатни анъанавий мотивлар мисолида ўрганиб чиқамиз.

Мотив сюжет воқеаларини осойиш кечишини таъминлайди, айни пайтда кескинлигини ошириб, воқеалар ривожига замин яратади, ҳодиса шартини ойдинлаштиради. Натижада, қатъийлик, барқарорликни белгилаб, воқеликни бўрттиради. Баъзи ривоятлар учлик анъанаси – воқеа тасвирида бир хил жараён ва ҳолатнинг уч марта такрорланиши асосига қурилган. Масалан, Чингизхон (1155–1227) қўшини Хоразмга бостириб киришдан аввал шаҳзодалар Шайх Нажмиддин Куброга (1145–1221) уч маротаба турли кишилар орқали хабар юборади. “Биринчи хабарчи: “Шайх оёқ остида қолмасин, ўғлон ушоқлари билан қалъадан чиқиб келсинлар”, деб. Шайх: “Менинг қариндошим ва хизматкорларим бор турур”. Иккинчи хабарчи: “Шаҳзодалар айтдиларким, юз киши бирлан келсунлар”. Шайх айтдиларки, юздин кўп турур. Учинчи хабарчи: “Шаҳзодалар айтдилар, минг киши бирлан келсунлар”. Шайх бу таклифни қабул қилмайди ва жангда шаҳид бўлади [1: 69].

Тўртлик анъанаси – воқеа тасвирида бир хил жараён ва ҳолатнинг тўрт марта такрорланиши адабий-тарихий асарлардаги ривоятларда ҳам учрайди. Кўплаб тарихий асарларда анъанавий баён этиб келинган Одам алайҳиссалом ҳақидаги афсона ва ривоятларда ҳам учлик анъанаси билан бирга тўртлик анъанасининг мавжудлигини кўриш мумкин. Хусусан, бу анъана “Тўрт улус тарихи” асарида қуйидаги тарзда келтирилган: “Дастлаб Жаброил алайҳиссаломни юбордики, Одам алайҳиссаломнинг пок тийнатини ясаш учун ҳозир муаззам Каъба иморати бино бўлган жойдан бироз намроқ тупроқ келтиришни буюрди. Жаброил алайҳиссалом ерга тушгач, бир каф тупроқ олмоқчи бўлди. Замин фалаклар ва малакларни яратган Раббимга қасамёд қилиб, дедики, унга бир каф ҳам тупроқ бермагай. Кейин бу ишни ҳазрати Мекойил алайҳиссалом адо этиши учун фармон бўлди. Ер унга ҳам қасам билан бир каф тупроқни олмаслигини ўтинди. У ҳам қайтиб кетди. Ундан кейин Аллоҳи таоло амри билан Исрофил алайҳиссалом келди. Замин уни ҳам қайтарди. Тўртинчи маротаба ҳазрати Зулжалол Тангри таоло олий карамли Азроил алайҳиссаломни жўнатди. У замин қасамини қабул қилмай, деди: “Худойи таоло амри сенинг қасамингдан устунроқдир. Сўнг бутун ер юзидан турли навъ қуруғу ҳўл, оқу қора,

қизилу сариқ, аччиғу шўр, нордону ширин ерларидан бир сиқимдан олди” [6: 15,16].

Тарихий мавзудаги деярли барча асарларда Одам алайҳиссалом билан боғлиқ маълумотларда тўртлик анъанаси мавжуд. Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асарида ҳам бу анъана давом этган [1: 13]. Демак, халқ оғзаки ижодида мавжуд ривоятларда асосан учлик анъанаси кўзга ташланса, тарихий асарларда ҳам учлик, ҳам тўртлик анъанасини кўриш мумкин.

Эртак мотивларининг ривоятга кириб бориши мазкур жанрнинг шаклий тузилиши, функциясига таъсир этиб, ўзгариш юз беришга олиб келган, хусусан, ундаги тарихийлик хиралашиб, ахборот функцияси, билдириш вазифаси сўна бошлаши, унинг ўрнида эстетик функция пайдо бўла бошлашига олиб келган. Бундай ҳолат диффузиянинг “ижтимойи онг шаклларининг ривожи билан боғлиқ ижтимоий-бадиий тафаккур талаблари, эҳтиёжи асосида ҳаракат қилиш”га алоқадор ҳолда юз берган [7: 99]. “Тўрт улус тарихи” асарида “Ўғузхоннинг ўз ўғилларига ўрин белгилагани зикри”да ривоят жанрига эртак элементлари сингдирилгани ва шеърий парча билан тасвирланганини кўриш мумкин.

Ривоят сюжети қисқа ва ихчам тарзда берилган. “Айтишларича, бир куни Ўғузхон ўғиллари билан биргаликда шикорга борган эдилар. Шикор пайтида ҳар бири бир ов кетидан қувдилар. Ногоҳ, ҳар олти нафар ўғил бир бўлиб шикоргоҳда биргаликда бир жойга етишдилар ва бир камон билан уч заррин ўқ топиб, олдилар. Оталари ҳузурига муҳокамага келтирдилар. Ўғузхон улуғ ўғилларига камонни ва уч кичик ўғлига ўқларни берди. Катта ўғиллари камонни уч қисмга бўлиб олдилар. Шунинг учун ҳам уларни бузуқ деб атайдиган бўлдилар. Кичик ўғилларини уч ўқ дейишадиган бўлишди. Йўлда бузуқилар уч ўқдан кўп бўлдилар. Ўқ элчи ҳукмини, камон подшоҳ ҳукмини келтирарди” [6: 53]. Худди шу сюжет “Шажарайи турк”да ҳам мавжуд. Унда ҳам воқеа Ўғузхон тилидан баён этилган [1: 24]. Кўринадики, ўқ ва камон (ёй) ҳам детал, ҳам рамз вазифасида келган.

Маълумки, подшоҳлар, буюк саркарда ва алплар учун ўқ ва ёй давлат рамзи сифатида қаралган. Ривоятда ўқ ва ёйни муқаддас санаб, Ўғузхон ўз ўғилларига юртларини тақсимлаб берган ва уларни икки жамоатга ажратган. Яъни бузуқлар ва уч ўқлар. Эртак сюжети

тарихий ривоят жанрига сингиб, қадимий мотивларни шаклланишига хизмат қилган. Эътиборли томони шундаки, Мирзо Улуғбек ҳар бир воқеани насрий ва назмий усулда тасвирлаб беришга ҳаракат қилган. Бу ривоятда ҳикоя қилинган воқеа кичик шеър орқали тасвирланган. “Тўрт улус тарихи” асари форс тилидан ўзбек тилига таржима асосида берилгани учун ҳам шеърлар мазмуни асарда бериб ўтилади. Шеър айнан келтирилмайди.

“Шажарайи турк”да “Ўғузхоннинг Эрон ва Шом ва Миср сари юрганининг зикри”да ҳам ривоятга эртак жанрининг маълум элементлари сингиб, диффузия ҳосил қилганини кўриш мумкин. Унда учлик анъанасининг борлиги, “олтин ёй ва уч ўқ” билан боғлиқ воқеа эртак ва достонлардаги деталларни эслатади. Асар муаллифи томонидан Ўғузхоннинг идеал шахс сифатида тасвирланиши, халқимизга хос қадимий анъаналарга риоя этиши билан боғлиқ воқеалар тасвирида ойдинлаштириб берилади. Асардаги бу ривоятни тўлиқ келтириб ўтамиз. “Ўғузхон Шом вилоятинда турғанда пинҳоний бир навкарнинг қўлина бир олтин ёй ва уч ўқни берди. Тақи айтди: “Ёйни кун туғишда бир чўлда киши оёғи етмас ерда, турфоқға кўмуб, бир учини чиқариб қўйғил ва ўқларни кун ботиш тарафига ёйни нечук қўйсанг, ани шундағ қўйғил”, теди. Ул киши ёрлиққа амал қилиб келди. Бу воқеадан бир йил ўткандан сўнг, уч улуғ ўғли Кун, Ой ва Юлдузни чорлаб теди, ёт юртға келибман. Ишим кўп. Ов овламоғқа қўлум етишмай турур. Кун туғиш тарафинда фалон чўлнинг ови кўб эрмиш деб эшитдим. Ўз навкарларингиз бирлан анда бориб ўтов сўқуб келинглар теди. Андин сўнг уч кичик ўғли Кўк ва Тоғ ва Тенгиз. Бу учини чорлаб ақаларина айтған сўзларни айтиб, кун ботиш тарафға юборди. Бир неча кундин сўнг. Уч улуғ ўғлонлари бир олтун ёй бирлан кўп овни хон олдиға келтурдилар. Уч кичик ўғлонлар тақи олтун ўқ бирлан кўп овни келтурдилар. Ул овнинг этларина кўп этлар ва турлук ошларни қўшуб, халқни чақириб, ёйни ва ўқни топилғанини ирим қилиб, ўзлариға қайта берди. Уч улуғ ўғли ёйни синдуруб олишдилар, уч кичик ўғли ҳар қайсиси бир ўқни олдилар. Олған вилоятларда кўп йиллар туруб, душманларини йўқ қилиб, дўстларни сийлаб, боши Сарём ва оёқи Мисрғача олған вилоятларининг барчасина ҳокимлар қуюб қайтиб ўз юртина тушди” [1: 23]. Ривоятда эртакларга хос

хусусиятлар, яширган нарсаларни излаб топиш ва топгандан кейин мукофотга сазовор бўлиши каби жиҳатлари билан диффузия жараёнини ташкил қилган. Ривоятдаги ота ва ўғил муносабатлари, ака-укалар ўртасидаги иттифоқлик халқимизнинг умуммаданий анъаналари орқали ёритиб берилади. Ривоят якунида эпик қаҳрамон мақсадига етади.

Мазкур типдаги тарихий шахслар идеал қаҳрамон сифатида талқин этилган. Ҳикоя тарихий шахс, муайян воқеа, ҳодисаларни у яшаган давр шароитида акс эттирган. Шу сабабли ҳам икки асардаги бир хил сюжетга эга ривоят тасвир ва баён услуби нуқтаи назаридан муаллиф яшаган даврнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўзига хослик касб этган. Бу эса ривоятни ҳақиқатга яқинлаштиради.

“Тўрт улус тарихи”да “Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам хотину фарзандлари баёни зикри”да бир ҳикоят бериб ўтилган. Унда ҳам ўқ маълум бир детал вазифасини ўтаган: “Чунончи Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам бир куни ўғиллари ва хешларини жамлади. Таркашидан бир ўқ чиқариб, уни синдирди. Яна икки ўқни олиб, уни ҳам синдирди. Сўнг биттадан ўқ олавериб, бир қанчасини тўплади. Қанча ўринмасин уларни синдиролмади. Уларни ҳозир бўлган кишиларга берди. Ҳеч ким уларни синдиролмади. Шу кундан бошлаб зўравонлар ожиз қолдилар. Кейин ўғиллари ва хешларига қараб, деди: “Бу ўқлар мисли сизларнинг ҳар бирингиз. Агар сизлар ҳам иттифоқ, бир-бирингизга суянчиқ бўлсангиз, ҳеч кимнинг қўли сизлардан устун бўла олмайди ва енга олмайди” [6: 111]. Ҳикоятда “бир ўқ” – ожизлик, “кўп ўқ” – бирдамлик, якдиллик, енгиб бўлмас куч тимсоли сифатида талқин этилган. Демак, тарихий насрда мавжуд ривоят ва ҳикоятлардаги анъанавий мотивлар турли функцияларни бажаришга хизмат қилган. Буни юқоридаги таҳлиллар ҳам кўрсатиб турибди. Ҳикоят якунидаги хулосада Чингизхоннинг доно, одил подшоҳ сифатидаги ўз фарзандлари ва яқинларига қилган ибратомуз насиҳатлари ифодаланган.

Тарихий-насрий асарларда келтирилган ҳикоятларнинг адабий-жанрий хусусиятларидан бири эстетик таъсир кучига эга эканлигидир. Чунки тарихий воқелик тасвирида ўрни-ўрни билан тарбиявий-таълимий аҳамиятга молик ҳикоятларнинг эпик қаҳрамон тилидан баён этилиши, ўқувчида ўша тарихий шахсга бўлган ишонч

ва эътиқодни юзага келишига хизмат қилади. Демак, тарихий ривоятлар муайян жанглар, ов машғулотлари, эсда қоларли шахслар атрофида юзага келган. Ҳикоя қилинган тарихий ҳақиқат анъанавий мотивлар, ҳаётий тўқима қобиғида, турли бадиий тасвир воситасида тасвирланган. Тарихий ривоятлар ҳаётийлиги, ҳикоя қилинаётган воқеаларнинг аниқ замон ва маконда юз бериши билан ажралиб туради. Тарихий шахслар эса бевосита ўзи яшаган ижтимоий муҳит, реал тарихий шароитда тасвирланади. Тарихий насрда келтирилган тарихий ривоятлар анъанавий мотивлар, тарихий шахс, географик жойлар, воқеалар билан боғлиқ ҳолда келади. Бири иккинчисини инкор этмайди. Бу хил мотивларни қўллаш шахсга муносабатдан келиб чиққан. Масалан, Ўғузхон, Чингизхон, Жўчихон ҳақидаги ривоятлар шулар жумласидандир.

Тарихий асарларда акс этган миллий хусусиятлар ҳисобга олингандагина таҳлил мукаммал чиқиши мумкин. Ҳар қандай эстетик ҳодиса муайян миллий заминда пайдо бўлгани учун ҳам уни тушунтириш ва тадқиқ этишда ўша заминга хос хусусиятлар ҳисобга олиниши лозим. Тарихий наср намуналарида келтирилган “зикр” ахборотларда адабий жанрларга хос анъанавий мотивлар муҳим ўрин эгаллайди. Бу мотивлар асосан муаллиф яшаган ижтимоий муҳит ва ўша давр одамлари ўртасидаги миллий муносабатлар ва урф-одатлар билан қоришиб, асарнинг адабий-эстетик хусусиятларини бойитишга хизмат қилган. Шундай мотивлардан бири тўй мотивидир.

Тўй мотиви: эпик анъана ва ўзига хослик. “Тўрт улус тарихи” ва “Шажарайи турк” асарларида кичик жанларда анъанавий равишда келтириладиган тўй мотивини ўрганиб чиқдик.

“Тўрт улус тарихи” асари халқимизнинг узоқ ўтмишидан тортиб миллий анъаналар – расм-русумлар ва тўйлари тасвирини ҳам ўзида ифода этган. Мазкур асарда тўй мотиви Қорахон билан боғлиқ воқеаларда бериб ўтилган. Жумладан, Қорахон Ўғузхоннинг барча хотинларига зиёфат бергани, “Қўйлухон ибн Туминахон...зикри”да Хитой хони Олтинхон тўй қилиб, Қўйлухонга шароб ичиргани тасвирланади. Бу лавҳаларда тўй уюштиришни кичик бир зиёфат маъносида тушуниш мумкин. Лекин асарда кенг миқёсда анъанавий мотивлар билан тасвирланган тўй лавҳалари ҳам мавжуд. Хусусан, “Ўғузхоннинг подшоҳлигининг зикри”да унинг Чин, Хитой,

Туркистон ва Сақлаб мамлакатларини эгаллаб, ғалабаси шарафига бир хиргоҳни жавоҳирлар билан безатиб, хисравона базм ва подшоҳона катта тўй ташкил қилгани айтилади. Мазкур тўйда бузурглар, амирлар, раият ва сипоҳ, элу улусга катта инъомлар ва зиёфатлар бергани, тўй жараёнини назм (шеър) орқали бадиий ўхшатишлар билан тасвирлаб беради.

Тарихий асарларда тарихий шахслар билан боғлиқ тўй тасвирлари асосан шеърий йўл билан баён этилади. Бу ҳам ўзига хос анъанани белгилайди. Хусусан, Чингизхоннинг Қорахитой Гургони (подшоҳи)га қиз бериб тўй қилгани муаллиф томонидан қўйидагича ифодаланади: “Қирқ кун карнай-сурнай билан тўй қилдилар. Узоқ-яқиндан халқлар келарди. Тўрт улкан ўчоқ қазишди. Тўрт тавила қўй сўйишди. Ўша атрофдан ким ўтаётган бўлса, Чингиз зиёфатидан баҳраманд бўлди. Халққа турли мол беришди ва танга сочишди. Токи икки шаҳзода никоҳини ўқиганларича” [6: 107]. Халқ достонларида учрайдиган карнай-сурнайлар остида қирқ кечаю, қирқ кундуз тўй қилиш мотиви мазкур ривоятда ўз аксини топган.

Асарнинг кейинги бобларида тўй тасвири деярли учрамайди. Фақат подшоҳлар, хонлар ва шаҳзодаларнинг ғалабалари шарафига катта зиёфатлар уюштирилгани ҳақидаги кичик қайдлар берилган.

“Шажарайи турк” асарида эса тўй тасвири анъанавий усулда катта пафос билан ифодаланган. Абулғози “Ўғузхоннинг юртина келиб тўй қилганининг зикри”да Ўғузхоннинг жанг сафаридан эсон-омон қайтиб келгани учун улуғ тўй қилганини қуйидагича тасвирлайди: “Ўғузхон бир хиргоҳ ясаттирди. Барча ёғочларнинг тошига олтин қоплатди. Лаъл ва ёқут, зумрад ва феруза, дур билан безатди. Бу эв (уй)нинг васфига байт битиб турурлар:

Байт: *Бир эв тикди олтиндин бир шаҳриёр,*
Ким ул эв фалак эвидин қилди ор [1: 24].

Ўғузхон тўйда тўққуз юз йилқи, тўққуз юз қўй сўйдирди. Тўқсон тўққуз ҳавз қурдуриб, тўққузига арақ, тўқсонига қимиз, тўлдурди. Барча навкарларини чақириб келтурди. Ул олти ўғлига насиҳатлар айтиб, биликлар ўргатиб, юртлар, шаҳарлар ва инъомлар берди. Бу байтларни анинг васфинда айтиб турурлар:

Байт: *Ўғуз қилди ул тўйда жирғамиши,*
Бу олти ўғулни суюрғомиши.
Булар кўрсатиб эрди мардоналиқ,
Ота бирлан кўп турли фарзоналиқ.
Отаға басе қилдилар ёрлиқ,
Уруш кунида барчаси борлиқ.

Хуллас, Ўғузхон барча навкарларининг отқан ва чобқан ва қилған хидматлариға лойиқ шаҳрлар ва сарҳадлар ва кендлар ва инъомлар берди" [1: 24].

"Ўғузхон тўйда тўққуз юз йилқи, тўққуз юз қўй сўйдирди. Тўқсон тўққуз ҳавз қурдуриб, тўққузига арақ, тўқсонига қимиз, тўлдиргани" халқ оғзаки ижодидаги достонларда учрайдиган муболағали тасвирларни эслатади. Мазкур тўй тасвирида ҳам "Тўрт улус тарихи"даги сингари шеърий байтлар муҳим ўрин тутади. Наср ва назмнинг синкретик ҳолатда қўлланилиши ўқувчини зериктирмаслик, аксинча, қизиқтириш учун асос бўлган. Тўй мотивларида ҳам халқ оғзаки ижоди элементлари, достон, эртак ва шеърий жанрларнинг уйғун-аралаш ҳолда ишлатилганини кўриш мукин. Бу эса жанрлараро диффузиянинг яна бир хусусиятини намоён этган.

Бефарзандлик мотиви: ҳаётий тарих ва эпик анъана сифатида. "Шажарайи турк"да келтирилган бир ҳикоятда Эсан Буғанинг бефарзандлиги, унинг Сотилмиш хотунидан фарзанд кўрмагани айтиб ўтилган. Шу сабабдан, "Манглай отли канизини ўрдуда сақлаб, унга боқар эди. Ногоҳ, ул канизак хондан ҳомила бўлди. Хон шикорга кетганда Сотилмиш хотун уни Шира ўғул деган муғулга берди. Тақи айтдиким, сен бу юртда турма, Мўғул юртига бориб, унда сокин бўлгин. Ул мўғул сўзга амал қилиб кўчиб кетди. Аммо ул канизакнинг хондан ҳомила бўлғанини тамом халқ билиб эрди. Хон шикордан келганда ул канизни сўрди эрса, тамом воқеотни айтдилар. Хон Сотилмиш хотунга ҳеч сўз демади. Бир-неча кундан сўнг Эсан Буға ўлди. Чиғатой авлодидан подшоҳликға лойиқ киши қолмади. Ҳар қабила ўз олдиға бир хон кўтардилар. Эсан Буғанинг Амир Пўлодчи деган амири бор эди. Манглай хотуннинг ҳомила кетганидан хабардор эди. Тоштемур деганни уни топиб келишга юборади... Тоштемур Манглай хотундан хабар топиб, Эсан Буғадан

бир ўғил бўлганини билди. Унинг оти Тўқлуқ Темур. Тўқлуқ Темурни Амир Пўлодчига келтирди. Тўқлуқ Темурни хон кўтариб, мўғул расми билан тўй қилди" [1: 96–97]. Ҳикоятдаги бефарзандлик мотиви халқ достонларидаги воқеаларга ҳамоҳанг тасвирланган. Тарихий-насрий асарларда келтирилган ривоят ва ҳикоятларда бу мотив анъана сифатида тарихий воқелик жараёнига кўчган.

Ҳомиладорлик мотиви: реал ҳақиқат ва бадиий тўқима сифатида. Шарқ ва Ғарб адабиётида кенг тарқалган сайёр сюжетлардан яна бири, улуғ шахсларнинг илоҳий нурдан туғилиши мотивидир. Шу боис, тарихий шажара муаллифлари бу мотивга ижодий ёндашиб, воқеликни реалистик фонда акс эттиришга ҳаракат қилади. Натижада, тарихий асар муаллифи яратган образлар – ўзида тарихий ҳақиқатни сақлаб қолган ҳолда асарларда реал ҳаётдаги кишилар сифатида намоён бўлади.

"Тўрт улус тарихи" асарида Аланқува ҳақидаги афсонада унинг нурдан ҳомиладор бўлганлиги тасвирланган: "Аланқува Дибун Баён ўлгандан кейин ёлғиз қолиб, ҳижрон ... чекади. Баногоҳ хиргоҳ туйнигидан бир нур тўлин ой партавидек нозил бўлиб, хонани тамоман равшан ва мунаввар қилди. ... ул нурли мусаввир йигит рангсиз бир бедана суратига кириб, хона эшигидан ташқарига чиқиб кетди. Ўша ондан бошлаб муайян муддатгача ҳар кеча шу тартибда келиб Аланқува билан суҳбатда бўлди. ...Ҳомилали бўлди [6: 62–63]. Аланқувадан туғилган фарзанд Нирунлар деб аталади.

"Шажарайи турк" асарида ҳам "Аланқуванинг ажойиб-ғаройиб ҳикояти"да унинг нурдан ҳомиладор бўлиши ўзига хос бадиий тасвирлар орқали берилган [1: 44].

Қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилиш мотиви: миф ва эпик анъана. "Тўрт улус тарихи" ва "Шажарайи турк" асарида Ўғузхоннинг ғайритабиий туғилиши мотиви ҳам мавжуд бўлиб, у халқ қаҳрамонларининг туғилишини эсга солади. Чунончи, "Тўрт улус тарихи" асарида "Қорахон ибн Мўғулхон подшоҳлигининг зикри"да Ўғузхоннинг ғаритабиий туғилиши ҳақидаги ривоят қуйидаги шаклда келтирилади: "Айтишларича, мўғул фирқаси Қорахон замонида куфру ширкатда чунон мустаҳкам эдиларки, масалан, агар бирор фарзанд миллатга куфр иш билан нуқсон етказса, бу ишида собит ва росих бўлмас эдилар. Отаси уни шу даражада қаҳр

қилар эдики, қатл этишгача борар эдилар. Фарзандига ота шафқати инобатга олинмасди. Иттифоқан, Қорахон ҳукмронлиги даврида мансабдор хотундан бир ўғил туғилди. У ғоятда чиройли мўйлари ёқимли. Аммо уч кеча-кундуз она сутини олмади. Ҳар куни ул хотун куюнарди, оқибат бахтли бир кечада туш кўрдики, (тушида) гўдак деди: “Эй она, сен мусулмон бўлмас экансан, ҳақпараст бўлмас экансан, мен сенинг сутингни эммасман”... Шунда онаси имон келтириб, ҳақпарастликни тан олди. Шундан кейин гўдак онасини эма бошлади” [6: 42–43]. Ўғузхоннинг ноодатий дунёга келиши, онасини эммагани, туғилганидан имонга йўғрилгани бу образнинг идеал тарзда намоён этган. Ривоятдаги туш мотивининг берилишида ҳам илоҳий ҳикмат сингдирилган. Худди шу жараён, яъни Ўғузхоннинг дунёга келиши “Шажарайи турк”да ҳам ғайритабиий тарзда ифода этилади. Ўғлон онасининг тушига кириб, уни мусулмон бўлишга даъват этади. Онаси мусулмонликни қабул қилади [1: 17–18].

“Тўрт улус тарихи”да Чингизхоннинг ғайритабиий туғилиш воқеаси эса шундай баён қилинади: “Ясугай элчи хабар етказди. У Улун Янга хотун авлодидан эди. Ўғил дема, бир шоҳ авлодидан. Унинг мисли дунёга арзийди, тилга камтар олинади. Онадан туғиларкан, қўлу мушти қонли эди. Замон донолари: бу бола соҳибқирон бўлиб туғилган дейишди. Яна шуки, муштидан бир кафт қотиб қолган қон бор эди. Бу шундан далилки, вақт ўтиши билан замон аҳлини қатл этур, кўплаб подшоларни оёқ ости қилади. Худодан бошқа ҳамма унинг қўли остида хор бўлади. Худди шундай нима деган бўлсалар далилдир. Тангридан ташқари кафтидаги ҳам далил бўлди” [6: 81].

“Шажарайи турк”даги “Чингизхоннинг дунёга келганининг зикри” фаслида ҳам бу воқеа зикр этилган: “Чингизхон тарихи беш юз тақи тўққузда тўнғиз йилинда Мўғул юртинда Йилун-Йилдиқ теган ерда дунёга келди. Бир қўли юмуқ эрди. Энага бўлган хотун қўлини очти, кўрдиким бир пора уюшқан қон. Муни келиб отасиға айтдилар. Ўлтурған халқ ҳеч киши билмади. Бир киши айтди, бу ўғлон улуғ подшоҳ бўлур. Ер юзининг барчасини олур. Кўп элларни ва вилоятларни қатли ом қилур. Бу қон анинг нишонаси турур теди. Ул кишининг теганидек бўлди” [1: 48].

Чингизхон ҳақидаги қадимги сюжетлар негизида шаклланган насрий асарлар шу типга мансубдир. Ушбу асарларнинг юзага келишига асос бўлган прототипларнинг эпик образ даражасига кўтарилиши учун туркий халқлар оғзаки насридаги сайёр сюжетлар ҳамда типологик характердаги анъанавий мотивлардан самарали фойдаланилган. Масалан, Чингизхоннинг туғилиши тўғрисидаги сюжетлар Қорақалпоқ ривоятларида шундай талқин қилинган: “Олтинхон қизига ўз тахтини беради. Ундан норози бўлган қизнинг иниси отасига (хон) опасини ёмонлайди. Хон қизини сандиққа солиб денгизга оқизиб юборади. Сандиқни овчилар Тамайил билан Шабан кўр қирғоққа чиқариб оладилар. Сандиқдан паридай сулув қиз чиқади. Қизнинг бўйида ҳомиласи бор бўлиб, ойи-куни етгандан сўнг ўғил туғади. Унга “Чингиз” деб от қўядилар. Шабан кўрдан ҳам у қиз икки ўғил туғади. Бирининг отини Бадантай, иккинчисининг исмини эса Бургитай қўядилар” [3: 41].

Бу сюжет Бердақнинг “Шажара” асарида ҳам тўлиқ берилган [4: 277–280]. “Шажара” деб аталган халқ ривоятида эса ҳомила қуёш нуридан пайдо бўлгани учун у туғилганда отини “Кунес” деб қўядилар. Бу ривоятда қизнинг оти Ариўхан деб берилган. Кунес подшо бўлгандан кейин Алмали кўркли деган қизга уйланади. Икковининг никоҳидан Чингизхон дунёга келади [3: 43–45]. Чингизхоннинг туғилиши тўғрисидаги ривоятнинг бу намунасида эпик қаҳрамоннинг ғайриоддий туғилиши, яъни Аланқуванинг чодирга кирган ғаройиб нурдан ҳомиладор бўлиши билан алоқадор мифологик тасаввурлар ўз ифодасини топган. Бу мотив Марказий Осиё халқлари оғзаки адабиётида жуда кенг тарқалган бўлиб, халқ эпоси тараққиётининг архаик даврига хос сюжет элементларидан бири ҳисобланади [2: 18].

Жўчихон ибн Чингизхоннинг туғилиши ҳам бошқаларда учрамайдиган ноодатий воқеларга бой бўлган. “Тўрт улус тарихи”да бу ҳақда шундай дейилади. “...Соҳибқироннинг ўрдасини кўчириб кетдилар. Ўша пайтда Жўчихон Буртақучин қорнида олти ойлик эдилар. Макрит қавми Буртақучинни олиб кетаётганларида Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам билан ота-бола тутинган Кероит подшоси Ўнгхон бу хабарни эшитиб, катта лашкар билан Макрит қавмининг йўлини тўсиб, Буртақучинни барча тобеълари ва

нарсалари билан қўлга олди ҳамда Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг ҳузурига равона қилди. Шу аснода йўлда Буртақучин ўғил туғди. “Йўл машаққати ва уриниш-суринишлардан ҳоли бўлсин”, деб уни олиб кетаётганлар тадбир қўллаб, чақалоқни юмшоқ хамир ичига олдилар ва этакларига солган ҳолда эҳтиётқорлик билан Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ҳузурига олиб келдилар. У мазкур жамоатни “нойрин-бойрин” деб атаб, “тузни ҳалоллаган”лар қаторига қўшди ва ўғлига Жўчихон, яъни “Йўлдан келган меҳмон”, деб ном қўйди.” [6: 218–219].

“Шажарайи турк”да ҳам шу мазмундаги Жўчихоннинг туғилиш воқеаси баён қилинган: “... Алқисса, Буртақучин йўлда Жўчихонни туғурди. Ул ерда гаҳвора йўқ эрди ким ани солғайлар. Алқисса, эти оғримасун теб хамирдан бир нимарса таъбия қилиб, анинг ичина солиб олиб келдилар Чингизхон бу ўғулни кўриб хушҳол бўлуб, бизга жўчи келди теди. Мўғул тилида жўчи теб янги келган меҳмонга айтурлар” [1: 105].

Тўғилган болага ном қўйиш мотиви: ҳаёт ҳақиқати ва бадиий тўқима. Муғуллар одатига кўра, бола бир ёшга кирмагунча унга ном қўймайди. Қорахон ўғлининг бир ёшга етганида болага ном (исм) қўйиш учун катта тўй қилади: “Ўғлимиз бир ёшар бўлди. Унга қандай исм қўямиз?”. Дарҳол ҳалиги бир яшар гўдак бешикдан фасиҳзабонлик билан тилга кириб деди: “Менинг номим Ўғуздир” [6: 43].

“Шажарайи турк”да ҳам Ўғузхоннинг туғилиши шу мазмунда таъриф этилган. Ҳар икки асарда ҳам Ўғузхон онадан мусулмон бўлиб туғилган. Абулғози бир яшар гўдак “Менинг отим Ўғуз турур”, деб айтгани ҳеч бир киши, ҳеч замонда эшитмагани ва кўрмаганини таъкидлайди. Байт келтиради:

Ўшал бир яшар ўғлон анда равон,
Келиб тилга теди билинглар аён.
Отимдур Ўғуз Хисраву номвар,
Билинглар яқин барча аҳли ҳунар. [1: 18].

Бу ҳолатни одамлар ирим қилиб айтдиларки, “бу узоқ умрли ва улуғ давлатли ва учи узаган ва ёни ёйилган бўлғуси турур, тедилар” [1: 18].

“Тўрт улус тарихи”да Чингизхонга ном қўйиш ҳам мўғулларга хос анъана асосида ёритилган: “...Шул нарса муносиб бўлур эдики,

олий шаън подшоҳлардан бирининг номини бу гўдакка қўйсалар. Акобирлар учун улуғ ном қўйилиши жоиздур. Султонлар авлодига подшоҳлар бошқа кимсалар исмидан қўймоқ нолойиқдир. Сўғуқ Чечаннинг бу сўзлари Ясугай баҳодирга маъқул тушди. Ўзининг аркони давлатини маслаҳатга чақирди ва Сўғуқ Чечандан маслаҳат сўради. Барча аркони давлат ва Сўғуқ Чечан иттифоқ бўлиб Темучин деб ном қўйишга келишдилар" [6: 82]. Зеро, ўша замонда Темучиндан мартабалироқ подшоҳ йўқ эди. Шу тасвирлардан кейин муаллиф буни мадҳ этиш учун назм келтиради.

"Шажарайи турк" асарида Абулғози Чингизхонга ном қўйиш масаласига батафсил тўхталмайди. "Отаси отини Темучин қўйди. Хон кўтарганда Чингиз лақаб қўйдилар", - деб кифояланади [1: 48].

Туш мотиви: таъбир ва ҳақиқат. Тарихий асарларда анаъанавий равишда такрорланиб келаётган туш мотиви ҳам мавжуд. Жумладан, Ўғузхон онасининг тушига кириши ва мусулмонликка даъват қилиши, Қочуйихоннинг туш кўргани ва Туминахоннинг уни таъбир қилгани зикрида учрайди. "Тўрт улус тарихи" асарида Қочуйихоннинг туш кўргани алоҳида сарлавҳа остида баён қилинади. Бу ҳикоятнинг мазмуни шундан иборат: "Ўғилларининг умрлари балоғат ёшига етганда, бир кеча Қочуйи туш кўради. Тушида Қочуйихон ёқасидан уч юлдуз кетма-кет чиқиб, фалакка кўтарилади ва ботиб кетади. Тўртинчи бўлиб ниҳоятда равшан ва нуроний бир юлдуз Кўйлу гирибонидан чиқдики, бутун дунё қалъаларини унинг шуъласи ва зиёси мунаввар қилди. Бу юлдуздан бир неча бошқа юлдузлар ажралиб чиқиб, ҳар бири жаҳоннинг бир ноҳиясига нур тарата бошлади. Ул нуроний юлдуз ғойиб бўлгандан кейин ҳам жаҳоннинг барча атрофи илгаргидек равшан бўлиб қолаверди. Уйқудан бедор бўлгандан кейин эҳтиётлик билан қараса, кечанинг ҳали олдинда тўртдан уч қисми қолгани маълум бўлди. Бу туш таъбирини бир лаҳза ўйлаб кўрди. Ўйга толди, токи уйқу яна уни элтса. Уйқусида шундай ҳол содир бўлди: ўзининг гирибонидан ҳам ўшандай етти юлдуз падар-пай чиқиб, ғойиб бўлдилар. Саккизинчи навбатда катта юлдуз чиқиб, олам атрофу теварагини мунаввар айлади. Ундан ҳам бир-неча юлдуз ажралиб, ҳар бири бир ўлкага нур соча бошлади. Улкан сайёра ботганда шуълалар ўшандек равшанлик касб этди. Шул чоғда Қочуйи бедор бўлди. Субҳи содиқ тулуъи вақти

бўлди. Ўша куни отасини хилватда кўриб қолди. Биринчи туши ҳолатини, иккинчи туши тарихини бирма-бир отасига гапириб берди. Туминахон бу тушларни эшитиб бўлуб, қувониб, масрур бўлди. Қўйлу хонни чорлаб келтиришга фармон берди. Қўйлу хон отаси кўринишига мушарраф бўлгач, уни ўз ёнига чақирди ва ўша тушларини Қочуйидан яна бир бор сўради. Токи, яна ҳар икки туш суратини қандай кўрган бўлса, шундай укаси ва отаси ҳузурида сўзлаб бергай.

“Арбаб ад-давали муҳиммуна би-л-амри” (Давлат арбоблари бу масалага қизиқадилар) ояти ҳукмига кўра, Туминахон ҳар икки тушни таъбир қилди ва деди: “Биринчи тушнинг таъбири шуки, Қўйлу пушти камаридан батартиб уч шаҳзода туғилиб, авлоди билан хонлик тахтига ҳоким бўлғуси. Тўртинчи маротабада шундай бўлдики, у уч нафар кетидан бир подшоҳ вужудга келадики, олам мамлакатларини тахти тасарруфига киритиб, рубъи маскуннинг кўпгина маъмур ерларини қўлга киритади. Ундан фарзандлар туғилгусики, ҳар бир шойистайи салтанат ва подшоҳлик бўлғусидур. Жаҳоннинг теварак атрофини уларга бўлиб беради. Ҳар бирини бир мамлакат подшоҳи ва хони қилур. Ул шавкатли хон дунёдан ўтгач, бир муддат салтанат унинг авлоди ихтиёрида қолади.

Иккинчи тушнинг таъбири шулки, сендан бирин-кетин етти фарзанд туғилгуси. Ҳукумат ва пешволикни бир восита билан қиладилар. Саккизинчи навбатда тулуъ қилган улкан юлдуз шулки, сенинг наслингдан бири жаҳонгирлик қилур ва аксар мамлакатларга эга бўлур. Ундан фарзандлар туғилур. Ҳар бири бир мулк хони, бир мамлакат подшоҳи бўлурлар. Кейин ворисли ва мамлакат волийси бўлурлар. Туминахон туш таъбирини очиб бергач ва ўзининг ўша икки иқрорини шу икки фарзандга муборакбод этди” [6: 74–75].

Мазкур ҳикоятда келтирилган туш ва унинг таъбири тўғри эканлигини Абулғози аниқ ва қисқа маълумот билан асослаб беради. Жумладан, “Шажарайи турк”да “Тумнахон (Туминахон – М.А.)нинг зикри”да унинг ўғиллари ва набиралари тўғрисида маълумот беради. “Учунчи ўғлининг оти Қачули (Қочуйи – М.А.). Анинг ўғлининг оти Эрдамчи барлас. Барча барлас эли мунинг насли турурлар. Оқсоқ Темур ушбу урукдин эрди. Барласнинг маъноси сипаҳсолор темак бўлур. Туркийси чирик бошлаб юрийтурған киши” [1: 46].

Қочуйининг саккиз ўғлининг наслидан бири Амир Темур экани, у жаҳонни титратган подшоҳ бўлгани кейинги даврларда исботини топди. Амир Темур Абулғози таъкидлаганидек, барлос уруғидан эди. Ҳикоятда туш мотивининг берилиши ва таъбир қилиниши тарихий воқеаларнинг реал ва ҳаққоний эканлигини исботлашга хизмат қилган. Туш мотивининг келажакни башорат қилиш, ҳодисаларни олдиндан кўра билиш хусусияти ҳукмдор шахсини гавдалантиришда муҳим вазифани бажаради. Тарихий асарларда туш мотивидан мукаммал образ яратишда, қаҳрамонни ички кечинмаларини, руҳий оламини чуқур очиб берувчи психологик таҳлил воситаси сифатида фойдаланилган. Тушдаги руҳий кечинма таъбирда ҳақиқатга айланиши тасвирланган. Туш мотивининг поэтик восита сифатида тарихий насрдаги ўрни ва эстетик вазифаларини – мотивнинг бадиий асар қаҳрамонлари руҳий ҳолатини, тасвирланаётган воқеалар моҳиятини очиб беришдаги психоаналитик жиҳати билан баҳолаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, адабий-тарихий асарларда ривоят, ҳикоят, ахборот ва хабарларнинг умумлашма “зикри”да мифологик қараш, халқ оғзаки ижоди анъаналари, анъанавий мотив ва эпик қолиплардан маҳорат билан фойдаланилган. Бу тарихий насрни достонлар сингари қизиқиш билан ўқилишига сабаб бўлган. Тарихий ривоятларда анъанавий мотивлар воқеликнинг юзага келиши, ривожи, шаклий ўзгаришига ҳисса қўшади, ҳаёт, идеал ғояларни чуқур ҳис қилиш имконини беради. Айни пайтда улар тарихий ҳақиқатни инкор этмайди, балки уни умумлаштириб, ёрқинроқ ифодалашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абулғозий. Шажарайи турк. / (Нашрга тайёрловчи: Б.Аҳмедов). Тошкент, 1992.
2. Алламбергенова И. Х. Қорақалпоқ халқ ривоятлари (жанрий ўзига хослиги, таснифи) / Ф. ф. б.д. (PhD) ... дисс. Тошкент, 2018.
3. Бахадырова С., Мамбетназаров Қ. Қарақалпақ аңызлары, әпсаналары ҳәм шешенлик сәзлери. Нөкис, 1992.
4. Бердақ. Таңламалы шығармалары. Нөкис, 1987.

5. Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. Тошкент, 2008.
6. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. / Бўрибой Аҳмедовнинг кириш сўзи, изоҳлари ва таҳририда; Форс тилидан тарижима). Тошкент, 1993.
7. Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси. Ўзбек фольклрининг эпик жанрлари. Тошкент, 1981.

М. Абдуллаева

Кичик адабий жанрларда анъанавий мотивлар таҳлили

Мақолада Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асарларидаги анънавий мотивлар таҳлил этилган. Эпик сюжетларга хос учлик анъанаси ўрганилган. Тарихий асарларда бу анъаналар акс этиши фактлар асосида таҳлил қилинган. Эпик анъаналарда эртак, афсона, достон жанрларига хос сюжетлар мавжудлиги аниқланган. Жанрлар аро диффузиянинг тарихий воқеалар баёнида акс этиши илмий асосланган.

Ўқ ва ёйнинг тарихий насрдаги аҳамияти ва рамзий хусусиятлари “Тўрт улус тарихи” ва “Шажарайи турк”даги парчалар асосида таҳлил этилган. Ўқ ва ёйнинг давлат рамзи сифатида муқаддас саналгани кўрсатилган.

Мазкур тадқиқотда тўй мотивининг эпик анъанаси ва ўзига хос жиҳатлари, бефарзандлик мотивининг ҳаётий тарих ва эпик сюжет сифатида, ҳомиладорлик мотивининг реал ҳаёт ва бадиий тўқима сифатида, ғайритабиий туғилиш мотиви – миф ва эпик анъана доирасида, ном қўйиш мотиви – ҳаёт ҳақиқати ва бадиий тўқима, туш мотиви – таъбир ва ҳақиқат мазмунида ўрганиб чиқилган. Таҳлиллар асосида илмий-назарий хулосалар берилган.

Калит сўзлар: *“Тўрт улус тарихи”, “Шажарайи турк”, анъанавий мотив, учлик анъанаси, ўқ ва ёй, рамз, тўй мотиви, ғайритабиий туғилиш, ҳомиладорлик мотиви.*

М. Абдуллаева

Анализ традиционных мотивов в маленьком литературном жанре

В статье анализируются традиционные мотивы в «Истории четырех народов» Мирзо Улугбека и «Шажараи турк» Абулгази Баходирхана. Изучается троичная традиция, присущая эпическим сюжетам. На основе фактов проанализировано отражение этих традиций в исторических произведениях. В эпических традициях есть сюжеты, характерные для жанра сказок, легенд, былин. Научно обосновано отражение межжанровой диффузии в описании исторических событий.

Выявлены значение и символические особенности стрелы и лука в исторической прозе, которые анализируются на основе отрывков из «Турт улус тарихи» и «Шаджара-йи турк». Подчеркивается, что стрела и лук считаются священными, как государственный символ.

В данном исследовании мотив свадьбы – с точки зрения эпической традиции и оригинальности, мотив бесплодия – как история жизни и эпический сюжет, мотив беременности – как реальная, так и художественная ткань, сверхъестественный мотив рождения – в рамках мифа и эпической традиции, мотивом наименования является реальность жизни и художественная фактура, мотив сна изучается в контексте толкования и действительности. На основании анализа сделаны научные и теоретические выводы.

Ключевые слова: *«Турт улус тарихи», «Шаджара-йи турк», традиционный мотив, традиция троицы, стрела и лук, символ, свадебный мотив, аномальное рождение, мотив беременности.*

M. Abdullaeva

Analysis of traditional motives in a small literary genre

The article analyzes traditional motives in the “Turt ulus tarixi” (“History of four Nations”) by Mirzo Ulugbek and “Shajara-yi Turk” (“Genealogy of the Turks”) by Abulgazi Bakhodir-khan. The threefold tradition inherent in epic plots is studied. The reflection of these traditions in historical works is analyzed on the basis of facts. In the epic traditions, there are plots characteristic of the genre of fairy tales, legends, epics. The

reflection of intergenre diffusion in the description of historical events is scientifically substantiated.

The meaning and symbolic features of arrows and bows in historical prose are revealed. It is analyzed on the basis of excerpts from the "Turt ulus tarixi" and "Shajara-yi Turk". It is emphasized that the arrow and bow are considered sacred as a state symbol.

In this study, the wedding motive is from the point of view of epic tradition and originality; the motive of infertility – as a life story and an epic plot; pregnancy motive – both real and artistic fabric; the supernatural motive of birth – within the framework of myth and epic tradition; the motive of the name is the reality of life and artistic texture; Sleep motive – studied in the context of interpretation and reality. Based on the analysis, scientific and theoretical conclusions were made.

Key words: "Turt ulus tarixi"*, "Shajara-yi Turk", traditional motive, trinity tradition, arrow and bow, symbol, wedding motive, abnormal childbirth, pregnancy motive.*